

ФИЛОЛОГИЯНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛАРИ

ACTUAL PROBLEMS OF PHILOLOGY

MATERIALS OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ФИЛОЛОГИИ

МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

60



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**ФИЛОЛОГИЯНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

ACTUAL PROBLEMS OF PHILOLOGY

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ФИЛОЛОГИИ

*Филология фанлари доктори, профессор Шоира Нематовна
Ахмедова таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан
ўтказилган халқаро илмий конференция материаллари*

*Materials of the International scientific conference Organized on
the occasion of the 60th anniversary of Doctor of Philology, Professor
Shoira Nematovna Ahmedova*

*Материалы Международная научная конференция
организована к 60-летию со дня рождения ученой, профессора
Бухарского государственного университета Ахмедовой Шоирры*

*2020 йил 24-26 декабрь. Ўзбекистон
December 24-26, 2020, Uzbekistan
24-26 декабрь, 2020 г. Узбекистан*

**«ТУРОН-ИҚБОЛ» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ - 2021**

УЎК 821.512.133.3

ББК 84(075)

Ф 30

Филологиянинг долзарб масалалари [Матн] / Нашрга тайёрловчилар
М. Ҳакимов ва бошқ. – Тошкент: “Turon - iqbol”, нашриёти, 2020. – 464 бет.

*Тўпладан халқаро конференция материаллари ўрин олган. Мақолаларда
филологиянинг турли йўналишларига оид сўнги илмий кузатишлар
ёритилган бўлиб, соҳанинг барча мутахассисларига мўлжалланган.*

Тўплаб нашрга тайёрловчилар:

кич.и.х. М.Ҳакимов, таянч докторант Н.Қодирова

Таҳрир ҳайъати:

акад. Б.Назаров, ф.ф.д., проф. И.Ҳаққулов,
ф.ф.д., проф. Қ.Қахрамонов, ф.ф.д. С.Мелиев, ф.ф.д. С.Тўлаганова,
ф.ф.д. Д.Ражабов, ф.ф.д. Л.Шарипова, ф.ф.д. Ш.Давронова,
ф.ф.н. Э.Очилов, ф.ф.н. Г.Сатторова, ф.ф.н. З.Қобилова,
ф.ф.н. Ҳ. Сафарова, ф.ф.н. Қ.Тўхсанов

Тақризчилар:

Ф.ф.д. И.Ёқубов, ф.ф.д. Ш.Турдимов

*Илмий тўплам ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институтининг Илмий кенгаши қарори (2020 йил 15 декабрь, 7-сонли йиғилиш
баённомаси)га асосан нашрга тавсия этилган.*

ISBN: 978-9943-5122-5-2

© “TURON-IQBOL“ нашриёти, 2021

ini hech qanday shartlarsiz seva oluvchi ham zero ulardir. Ular hech narsa talab qilishmaydi, lekin birgina mehr kutishadi farzandidan, diydor istashadi.

Bir davrdan ikkinchi bir davrga o'tish jarayonida avlodlar o'rtasida ham turli tafovutlar bo'lishi bilan birgalikda, otalar va bolalar o'rtasida ham ziddiyat, bir-birini tushuna olmaslik, otalar bolalarining diydori uchun har ishga tayyor, ammo avlodlari yolg'izlikni xush ko'rishi bilan bog'liq turli voqealarni o'z ichiga olgan rus adabi Ivan Turgenovning "Otalar va bolalar" romani alohida ahamiyat kasb etadi. Romanda davr bilan birgalikda tarbiyaning ahamiyati ham o'sib borayotganligi o'z aksini topgan. Bu asar orqali adib, otalar necha davr almasha-da, yaxshi kunda ham, yomon kunda ham otadir. Ammo farzandlar davrlar muhitiga moslashib ketishi, yelkasidagi mas'uliyatdan ko'ra, undan qochishga urinishi haqidagi achchiq haqiqatlarni o'rtaga tashlaydi. Mutolaaga kirishgan har bir kitobxon buning mag'zini chaqishi, mushohada qilishi uchun unga ko'plab ishoralar ham beriladi. Zero, ota-onaga ta'sir etmagan muhit, avlodlarga ham ta'sir etmasligiga umid qiladi go'yo. Bugungi kunda ham ushbu asar qo'lma-qo'l bo'lib o'qilayotgani ham muallif o'z maqsadiga oz bo'lsa-da yetganidan dalolatdir balki.

Bugungi kitobxon nazari bilan qaraganda, har bir adabiyoting, yaratilgan asarning o'z davri, muhiti va umri bo'ladi. Ota obrazi yaratilgan asarlar ham mana shu xususiyatlari bilan hamon o'z o'rniga ega. Muhimligini yo'qotmay saqlab kelmoqda.

Қахрамон Тўхсанов,

филология фанлари номзоди, доцент.

Отабек Бабаев,

Бухоро давлат университети ўқитувчиси (Ўзбекистон)

ТАРЖИМАДА ТИЛ БОЙЛИГИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация: Мақолада таржимада тил бойлигидан фойдаланиш масаласи ўрганилган.

Аннотация: В статье рассматривается вопрос использования богатства словарного запаса при переводе.

Annotation: The article discusses the issue of using the richness of vocabulary in translation.

Калит сўзлар: таржима, бадий тил, бадий талқин, "Маснавийи маънавий", бадий матн, бадий маҳорат.

Ключевые слова: перевод, художественный язык, художественная интерпретация, "Маснавийи маънавий", художественный текст, художественное мастерство.

Key words: translation, artistic language, artistic interpretation, "Masnaviyi manaviy", artistic text, artistic skill.

Қайта таржимада тил ва услубни илмий жиҳатдан ўрганиб чиқсак, ҳар бир таржимон ўзбек тилининг бойлигидан ўзига хос ва унумдор тарзда фойдаланганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳар бирининг ўзига хос услу-

би бор. Аммо алоҳида ажратиб кўрсатадиган катта фарқи йўқ десак ҳам бўлади. Асқар Маҳкам манзуманинг биринчи китобини тўлиқ эмас, айрим ҳикоя ва ривоятлардан воз кечган ҳолда таржима қилган. Яъни биринчи дафтар ўзбекчага тўлиқ ўгирилмаган. Аммо Жамол Камол биринчилардан бўлиб “Маснавийи маънавий”ни ўзбек тилига тўлиқ ўгириб, ҳатто уч марта нашрини ҳам амалга оширди. Кейинги йилларда Одил Икром ҳам манзумани ўзбекчалаштиришга қўл урди, лекин бу таржима ҳали китоб шаклида чоп бўлмаган. Бор таржималарнинг тил хусусиятлари ҳақида сўз юритсак, Асқар Маҳкам таржимани аслиятдаги сўз, ибора ва айрим мисраларни аслиятдек сақлаган ҳолда амалга оширган. Соддароқ қилиб айтсак, форс-тожикча сўзлар, ибора, баъзан мисралар ҳам ўзбек китобхонига айнан етказилган. Румиёна ифодалашдан хабари бўлмаган китобхоннинг уларни шундайлигича қабул қилиб, керакли мазмунни топиши, албатта, қийин. Бинобарин, бу китобхонга ҳеч нарса бермайди. Балки биз даҳо ва буюк мутафаккир деб баҳо берган Жалолиддин Румийнинг ижодкорлик маҳорати йўққа чиқиши мумкин. Мисол:

*Иттифоқан, шоҳ рўзе шуд савор,
Бо ҳавоси хеш аз баҳри шикор (1, 17).
Асқар Маҳкам таржимаси:*

*Иттифоқо, бир куни отланди шоҳ,
Хосса аҳбоби билан ов қилса то (2, 58).*

Келтирилган байтнинг ўзбекча таржимасида қофияланиши талабга жавоб бермайди. Иккинчидан, “то” форс-тожикча сўз бўлиб ўзбекча-гача, қадарга тўғри келади, гапда ўрин, пайт чегараси ва шу каби маънони таъкидлайди, таъкидлаш, кучайтириш учун хизмат қилади. Яъни, ўзбек китобхони “то” сўзининг луғавий маъносини тушуниши учун албатта луғатга мурожаат қилиши керак бўлади. Бундай нуқсон ёки камчиликлар Асқар Маҳкам таржимасида талайгина:

Асқар Маҳкам: мард – мард, эркак (29-бет), дур – узоқ (33-бет), мастур – мастур, поклик (33-бет), дастур – дастур, қоида қонун (33-бет), тарёк – тарёк, заҳарга қарши дору (40-бет), беҳуш – беҳуш, ўзбекча муқобили ҳушсиздир (43-бет), забон – забон, ўзбекча муқобили тил, гўш – гўш ўзбекча муқобили қулоқдир (42-бет), берўз – берўз, ўзбекча муқобили кунсиз, рўз – рўз, ўзбекча муқобили кун, бегона – бегона форс-тожикча сўз бўлиб ўзбек тилида айнан ишлатилади (43-бет), ҳоли пухта – пухта ҳолин ибораси билан ифодасини топган (44-бет), пурдур – пурдур (46-бет) ўзбекча муқобили пур – тўла, дур – қимматбаҳо нарса, тилло, зарру зевар маъноларга эга. Келтирилган сўзлар форс-тожикча матнда қандай қўлланган бўлса, Асқар Маҳкам уларни ўзбекча вариантда шундайлигича ифодалайди. Аммо ўзбек китобхони бундай таржималардан ҳеч нима олмайди ёки мажбур бўлиб ҳар бир сўзнинг маъносини луғатдан топиб тушунишга ҳаракат қилади.

Бу ҳолат Жамол Камол таржималарида ҳам баъзан кўзга ташланади.

*Шукр кун, маршокиронро банда бош,
Пеши эшонмурдашав, поянда бош (1, 27).*

Таржимаси:

*Шукрқил сен, яхшиларга банда бўл,
Сен уларгажсонбериб, пояндабўл (3, 25).*

Қиёс учун олинган байтда Жамол Камол моҳирлик билан ҳар бир сўз, иборанинг ўзбекча муқобилини топиб ўзбекчалаштиришга ҳаракат қилган. Фикримизни тасдиғи “шукр кун”нинг муқобили “шукур қил” ёки “шокирон”, яъни шукур қилувчилар, қалбида эзгулик ҳукмрон, ҳаётдан доим рози бир сўз билан айтсак, яхшилиқни ўзига шиор қилган кишидир. Мутаржим “яхшилар” деб тўғри таржима қилган. “Банда бош” иборасини ҳам ўзбекча муқобилини “банда бўл” тарзида ўрнига қўйган. Иккинчи мисрадаги “пеши эшон мурда шав” ни “сен уларга жон бериб” шаклида ўзбекчага ўгирган. Аслиятдаги “мурда шав” “жон бериб” шаклида таржима қилинган ҳамда форс-тожикча матндаги мазмун тўлиқ ўқувчига етказишга ҳаракат қилинган. Фақат “поянда” сўзининг абадий, доимий, бир умрлик каби луғавий маънолари борки, бугунги ўзбек китобхонига уни тушуниш қийинчилик туғдириши мумкин. Бизнингча, Жамол Камол аслиятдаги қофияни ва “бош” радифни “бўл” ни сақлаш мақсадида байтни ўзбекчага ўгирган.

*Мо чу ноемунаво дар мозитуст,
Мо чу кўҳемусадо дар мозитуст (1, 31).*

Таржимаси:

*Бизагарнаймиз, навосендинкелур,
Бизагартоғмиз, садосендинкелур (3,30).*

Келтирилган байтни Жамол Камол маромига етказиб ўзбекчага ўғиришга муваффақ бўлган. Таъбир жоиз бўлса, агар Жалолиддин Румийнинг ўзи ҳам мазкур байтни ўзбекчада ёзганида айнан шундай ижод қилар эди дейиш мумкин.

Қуйидаги байтда биринчи ва иккинчи нашрда таржимон таржимани айрим сўзларнинг ўрнини алмаштириш билан қайта амалга ошириган. Янги сўзлар танлаган:

*Сирриман аз нолаи ман дур нест,
Лек чашму гўшро он нур нест. (1,16)*

Таржимаси:

*Сиррим эрмас нола-оҳимдин йироқ,
Гарчи нур кўзу қароғимдин йироқ (3,8).*

Иккинчи нашр:

*Сиррим эрмас нола-оҳимдин йироқ,
Кўз-қулоқ, лекин ўшал нурдин йироқ (3, 12)*

Биринчи нашрдаги танлаган байтимизнинг иккинчи мисрасида ва иккинчи нашрнинг зикри ўтган мисрани қиёслар эканмиз, шунга гувоҳ бўламизки “гарчи” биринчи нашрда бор, лекин иккинчи нашрда йўқ. Биринчи нашрдаги “нур” билан иккинчи нашрдаги “нур”нинг жойи алмашган. “Кўз” ўртадан олиниб мисранинг бошига қўйилган, мутаржим аслиятдаги “гўш”нинг ўзбекча муқобили “қулоқ” сўзидан биринчи нашрда воз кечган бўлса, иккинчи нашрда “қулоқ”ни қўллаган, аслиятдаги “лек” сўзининг ўзбекча муқобили “лекин” биринчи нашрда кўзга кўринмайди. Аммо иккинчи нашрда ўз ифодасини топган. Аслиятдаги “он” кўрсатиш олмоши биринчи нашрда ифодаланган. Форс-тожикча матндаги “нур нест” ибораси “қароғимдин йироқ” шаклида ўгирилган бўлса, иккинчи нашрда айнан “нурдин йироқ” тарзида тўғри ағдарилган. Ана шу қиёснинг ўзи Жамол Камолнинг моҳир таржимонлигидан, тил услублари ва бойликларидан унумли фойдалана олганлигидан яққол далолат бериб туради.

*Тан зи қону қон зи тан мастур нест,
Лек касро диди қон дастур нест. (1, 16)*

Таржимаси:

*Танга жону жонга тан **мастур** эмас,
Жонни кўрмак кимсага **дастур** эмас (3, 8).*

Иккинчи нашр:

*Танга жону жонга тан **пинҳон** эмас,
Жонни кўрмак кимсага **имкон** эмас (3, 12).*

Қиёслаш учун олинган байтнинг биринчи ва иккинчи нашрини назардан ўтказар эканмиз, аслиятдан қофия қандай бўлса, “мастур” ва “дастур” биринчи нашрда айнан ифодасини топган. Аммо иккинчи нашрда мутаржим уларнинг ўрнига “пинҳон ва имкон” сўзларни қўллайди. Бу байтда ҳам мутаржим тилнинг бойлигидан унумли фойдаланган.

Бир сўз ўрнида иккинчиси қўлланган:

*Маҳрами ин ҳуш чуз беҳуш нест,
Мар забонро муштарй чуз гўш нест (1,16)*

Таржимаси:

*Бўйла ҳушдир, маҳрами беҳуш, бас,
Муштари **унга** қулоқдин бошқамас (3,8).*

Иккинчи нашр:

*Бўйла ҳушдир, маҳрами беҳуш, бас,
Муштарий **тилга** қулоқдин бошқамас (3,8).*

Бу байтда эса мутаржим битта сўзни, яъни аслиятдаги “забон” сўзининг ўзбекча муқобили “тил”ни биринчи нашрда олмош орқали “унга” деса, иккинчи нашрда шу сўзнинг ўзбекча муқобили “тил”ни қўллашга муваффақ бўлган. Албатта бу ҳолат мутаржимнинг бу соҳада орттирган тажрибаси ва маҳоратидан дарак беради.

Қуйидаги байтда икки мисрада ҳам ўзгариш бор:

*Чун набошад ишқро парвои ў,
Ў чу мурғемонд бепарвои ў (1, 16).*

Таржимаси:

**Кимда йўқдир ишққа бир парво агар,
Ул қанотсиз қуш эрур, беболу пар.**

Иккинчи нашр:

**Кимда ишқ йўқ, айламас парво анга,
Ул қанотсиз қуш эрурким, вой анга!(3, 12)**

Бундай мисолларни ниҳоятда кўп келтириш мумкин. Таржимон Жамол Камол деярли ҳар ўн байтдан кейин шундай ўзгаришларни амалга оширган. Булардан ташқари, мутаржим форс-тожикча матнни ўзбекчалаштирар экан, баъзан байтлар таржимасини бирон сўзга фақат қўшимча қўшиш йўли билан амалга оширади. Айрим мисраларга эса ҳеч қандай ўзгаришсиз ўзбекча вариант қўлланганлигининг гувоҳи бўламиз. Қуйидаги байтнинг биринчи мисрасида айнан шу ҳолат кўзга ташланади.

*На тариқу на рафиқу на амон,
Даст карда он фаришта сўйи қон (1, 346).*

Таржимаси:

*На тарийқу на рафиқу на омон,
Жон сўраб тургай фаришта ҳар замон (3, 9).*

Юқорида келтирилган байтнинг биринчи мисраси аслиятда қандай бўлса, таржимада ҳам айнан ифодасини топган.

Пастдаги байтда эса ҳар иккала мисра, яъни байт айнан фақат биринчи мисрада биринчи ибора “гуфт сўфи” ўзбекча муқобили “суфи деди” тарзида таржима бўлган холос:

*Гуфт сўфй: «Мо фақиру зору кам,
Қавми хотун молдору муҳташам (1, 347).*

Таржимаси:

*Суфи деди: биз фақирмиз, зор укам,
Қавми хотун – молдору муҳташам (3, 10).*

Қуйидаги байтда ҳам биринчи мисра айнан берилган бўлса, иккинчи мисрада айрим ўзгаришлар мавжуд:

*Чанги табъй, чанги феълй, чанги қавл
Дар миёни чузвҳо ҳарбест ҳавл (1, 560).*

Таржимаси:

*Жанги табъу жанги феълу жанги қавл,
Юз берар жузвлар аро қўрқинч, жадал (3, 272).*

Хулоса қилиб айтсак, мутаржим Асқар Маҳкам ҳам, Жамол Камол ҳам форс-тожикча матнларни сўзларнинг ўзбекча муқобилини топиб, ўзбек китобхонига ниҳоятда гўзал таржималар орқали етказишга ҳаракат қилган. Шу билан бирга таржимонлар айрим ҳолларда қийинчиликларга ҳам дуч келган. Лекин ҳар қандай таржима камчиликсиз бўлмайди. Умид қиламизки, бу таржималар ўқувчиларда яхши таассурот қолдиради ва уларнинг дунёқарашини бойитишга хизмат қилади. Таржимонларнинг хизмати орқали халқимиз румиёна ижод билан яқиндан хабардор бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Балхй Мавлоно Чалолиддин Муҳаммад. Маснавийи маънавӣ. Бар асоси матни Николсон ва муқобилабо нусхаҳои дигар. – Тухрон: Замон, 2001. – 728 с.
2. Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. Куллиёт. Биринчи жилд. Биринчи китоб. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: Шарқ, 1999. – Б. 368.
3. Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. –Т.: MERIYUS,2010. – Б. 864.
- 4.Тўхсанов Қаҳрамон. “Маснавий” сабоқлари. –Т.: Фан, 2008. – Б.50.
- 5.Тўхсанов Қаҳрамон. Румий “Найнома”сининг ўзбекча таржималари. – Вухоро: Durdona, 2018. – Б.60.
6. Тўхсанов Қаҳрамон. “Маснавий”да халқ мақоллари ва уларнинг таржимадаги ифодаси. Монография. – Т.: Наврўз, 2019. –Б.124.
7. Тўхсанов Қаҳрамон. Ж.Румий “Маснавийи маънавий” асарининг ўзбекча таржимаси. GlobeEdit, 2019. –150 б.
8. Тўхсанов Қаҳрамон. “Маснавийи маънавий” таржималарининг қиёсий таҳлили. – Бухоро. Дурдона. 2020. – Б. 209.

TeshayevaGULNOZA,
Buxoro davlat universiteti,
filologiya fakulteti 4-bosqich talabasi
(O‘zbekiston)

ABDULLA QODIRIY VA TURKIY XALQLAR ROMANCHILIGI

Annotatsiya: Buyuk yozuvchi, Abdulla Qodiriy ijodi nafaqat o‘zbek nasri, balki turkiy xalqlar romanchiligi rivojida ham salmoqli o‘rin egallaydi. U yaratgan nasriy asarlar o‘zbek romanchilik maktabiga asos solish bilan birgalikda qardosh turkiy xalqlar adabiyotining rivojiga ham ta‘sir ko‘rsatdi. Maqolada buyuk o‘zbek romannavisi Abdulla Qodiriyning o‘zbek va qardosh xalqlar milliy romanchiligiga qo‘shgan hissasi, yozuvchining xarakterlar yaratish mahorati, adabiy ta‘sir muammosi tahlil qilingan.

Annotation: The work of the great writer Abdulla Kadiri plays an important role not only in the development of Uzbek prose, but in the novels of the Turkic peoples as well. His prose works, along with the establishment of the Uzbek school of novels, also influenced the development of the literature of the fraternal Turkic peoples. The article analyzes the contribution of the great Uzbek novelist Abdulla Kadiri to the national novels of the Uzbeks and fraternal peoples, the writer’s character creation skills, the issue of literary influence.

Абдурахмонова Феруза. “Ёр-ёр” атамаси ҳақида	324
Баходир Жовлиев. Бадиий асарда мифологик талқин масаласи	329
Жабборов Фаррух. “Малика айёр” достони номининг ёзилишига уч хил ёндашув.....	335
Жуманов Элбек. Ўзбек халқ эртақларидаги ўрталиқ формулалар	338
Рахмонов Зикриё, Рахмонова Дилбар. Фольклор как составляющая часть национальной культуры.....	344
Сабинова Насиба. Хоразм халфачилиги тараққиётида шоира – дostonчи хоним халфанинг ўрни.....	347
Шералиева Сайёра. Задачи фольклористики. Историческое развитие фольклора народов центральной азии. Сущность дастанов	352
Юлчураев Орзубой. Меҳнат кўшиқлари таснифи баходир саримсоқов талқинида	358

VI БОБ

АДАБИЙ АЛОҚАЛАР ВА ТАРЖИМАШУНОСЛИК

Мақсуд Асадов. Маънавий камолот йўли	364
Астанова Гулнора. “Минг бир кеча”да шарқ аёли талқини.....	373
Ҳилола Аҳмедова. Инглиз адибаси ижодининг талқинлари	375
Мухтор Рўзиев. Ҳанс Шнир – “масхарабознинг қарашлари” романининг бош қаҳрамони	378
Бегимқулова Шахноза, Холикова Мукаддас. Фарука Гавҳарий – садоқатли аёл образи	380
Buviniso Nosirova. Dunyo adabiyotida ota obrazi	385
Қаҳрамон Тўхсанов, Отабек Бабаев. Таржимада тил бойлигидан фойдаланиш.....	388
Teshayeva Gulnoza. Abdulla qodiriy va turkiy xalqlar romanchiligi	393
Мизрабова Жерен. Офелия нутқидаги бадиий воситаларнинг ўзбек таржималарида қайта яратилиши	397
Norova Rahima. Ingliz adabiy ertakchiligi	401
Azimov Ulug'bek. “Masnaviyi ma'naviy”da oddiy folklorizm	403
O'rinova Maftuna. “Tog'lar qulayotgan zamon(abadiy qallic)” romanida umuminsoniy fojialar va badiiy talqin.....	407
Qudratova Muborak. Cho'lpon “Shohnoma”ning turkcha tarjimasi” va “Uvaysiy” maqolalari...	411

VII БОБ

ТИЛШУНОСЛИК

Найимов Сади. Антропоонимы Бухарской области	417
Дуйсабаева Дилбар. Проблемы развития лингвокультурологической компетенции при изучении родного языка и литературы.....	420
Ш.Набиева. Она тили дарсликларининг шаклланиши.....	424
Mustaqimova Qunduz, Boltayeva Nodira. Reklama tilida metafora va iboralarning o'rni	427
Носирова Мубина. Теоретические основы изучения концептов в когнитивной лингвистике.....	431
Ф.Н.Элмуродова. Хорижий тилларни ўқитиш ва маданий тадбирлар орқали маданиятлараро мулоқот кўникмаларини шакллантириш	436
Холматова Шохиста. Аксиологическая значимость пословиц, характеризующих семейные отношения.....	440
Sobirova Dilnoza. Tibbiy reklamalarda uslubiy figuralar	445
Aminova AMIRA. Lingvokulturologik konseptlar xususida	448
Sharipova Maftuna. “Qo'y” limgi asosida shakllangan o'zbek xalq maqollarida metafora	453
Ашурова Нодира. От ЛМГИ асосида шаклланган ўзбек халқ мақолларининг прагматик хусусиятлари	458